



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 14 -avgust

798 a -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Яхшимуратова Болжон Жуманиязовнани вояга етмаган невараси 2011 йил 23 ноябрда туғилган Қодирбердиев Ферузбек Қахрамон ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 31 мартдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро 1961йил 19 майда туғилган Яхшимуратова Болжон Жуманиязовнани вояга етмаган невараси 2011 йил 23 ноябрда туғилган Қодирбердиев Ферузбек Қахрамон ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев